

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ**

«Ҳимояга рухсат этилсин»
факультет декани _____
доц.И.Азимов _____

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши кундузги бўлим
4-курс 402-гуруҳ талабаси Худойкулова Мафтуна Ҳасановнанинг
“Ғафур Ғулом шеърлари тилининг лингвопоэтикаси” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

_____И.Йўлдошев
ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси профессори,
филол.фан.док-ри

Такризчилар:

“Ҳимояга тавсия этилсин”

_____С.Мухамедова

ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси
муdiri, филол.фан.док-ри, проф.

ТОШКЕНТ –2012

МУНДАРИЖА

Ишнинг умумий тавсифи

1 – Боб. Ғафур Ғулом асарларининг ўзбек филологиясида ўрганилиши

1.1. Ғафур Ғулом асарларининг адабиётшуносликдаги тадқиқи.....

1.2. Ўзбек тилшунослигида Ғафур Ғулом асарларининг тадқиқ қилиниши.....

2 – Боб. Ғафур Ғулом айрим шеърларининг лингвопоэтикаси

2.1. Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган лексик-семантик бирликлар

2.2. Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган услубий воситалар.....

3-Боб. . БМИнинг амалиётга татбиқи

3.1. Мавзуга оид дарсликлар таҳлили.....

3.2. Дарс ишланмаси.....

Умумий хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

БМИ мавзусининг долзарблиги. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобидаги “Тил элни бирлаштириши лозим” мақоласида таъкидлаганларидек: “Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади... Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади”.¹ Ҳақиқатан ҳам ўтган йиллар мобайнида халқимиз эришган энг ютуқлардан бири ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши бўлди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, ўзбек адабий тили ҳам ҳар томонлама тараққий қилди, давр талабига монанд равишда унинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришларни ёритиш, таҳлил қилиш талабига кўра ўзбек тилшунослиги фани ҳам доимо ўзгаришда, ривожланишда бўлди. Зеро, барча даврлар мобайнида ўзбек тилшунослигининг асосий вазифаси адабий тилнинг шаклланиш, ривожланиш ва такомиллашиш йўллари, бунда амал қиладиган қонуниятлар, сабаб ва имкониятларни таҳлил ва тадқиқ қилишдан иборат бўлган. Шунга кўра ўтган йиллар мобайнида ўзбек тилшунослиги катта ютуқларга эришди, унда янги йўналишлар вужудга келди. Шундай янги йўналишлардан бири – лингвопоэтикадир.

Ушбу БМИда Ғафур Ғулом айрим шеърларининг лингвопоэтикасини тадқиқ қилиш мақсад қилинган. Унинг долзарблиги

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида . -Тошкент: Маънавият, 2011. –Б.69-70.

Ўзбек тилшунослигида мазкур мавзуда бажарилган дастлабки тадқиқотлардан бири эканлиги билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик тадқиқотлар И.Мирзаев, М.Йўлдошев, Д.Шодиевалар томонидан амалга оширилган. Ғафур Ғулом асарларининг тили Б. Чориев, Х.Дониёров, А.Абдусаидов, Ш.Эгамбердиева, И.К. Мирзаев, Ш.Шоабдурахмонов каби олимлар томонидан ўрганилган.

БМИ ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги. Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедрасининг «2010-2015 йилларга мўлжалланган БМИ мавзулари банки» истиқбол режаси асосида амалга оширилди.

БМИнинг мақсад ва вазифалари. БМИнинг асосий мақсади Ғафур Ғулом айрим шеърларининг лингвопоэтикасини тадқиқ қилишдан иборат. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбек филологиясида Ғафур Ғулом асарлари тадқиқини таҳлил қилиш;
- Ғафур Ғуломнинг айрим шеърлари лингвопоэтикасини очиб бериш.

БМИ объекти. Ғафур Ғуломнинг айрим шеърлари.

БМИ предмети. Ғафур Ғулом айрим шеърларининг лингвопоэтик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг назарий асарлари ва миллий истиқлол ғояси тадқиқотнинг бош методологик асосини ташкил этади.

БМИда лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

БМИ манбалари. Ғафур Ғулом. Асарлар, 10 томлик, 2-том. - Тошкент, 1972. Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. XI, XII томлар. - Тошкент, 1989.

БМИнинг илмий янгилиги. Ушбу БМИда қуйидаги назарий ва амалий янгиликларга эришилди:

- Ўзбек филологиясида Ғафур Ғулом асарлари тадқиқини таҳлил қилинди;
- Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган лексик-семантик бирликлар кўрсатилди;
- Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган услубий воситалар аниқланди.

БМИ натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти аҳамияти. БМИ ушбу йўналишда бажарилган дастлабки иш бўлганлиги сабабли бу каби тадқиқотларга кенг йўл очади.

БМИни ёзиш жараёнида тўпланган фактик материаллардан матн лингвистикаси, лингвокультуралогия, нутқ маданияти, бадиий матннинг лисоний таҳлили каби фан ва курслар бўйича дарслик, ўқув қўлланамаларини яратишда унумли фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. БМИ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Умумий тилшунослик” кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. БМИ натижалари бўйича Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 73-мактабда маъруза қилинди ва очик дарс ўтказилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ 3 боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажмисаҳифани ташкил қилади.

1-Боб. Ғафур Ғулом асарларининг ўзбек филологиясида ўрганилиши

1.1. Ғафур Ғулом асарларининг адабиётшуносликдаги тадқиқи

Ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири Ғафур Ғуломнинг тил маҳорати ва услубини тадқиқ этиш масалалари билан дастлаб адабиётшунос олимлар шуғулланишган. С.Мамажоновнинг «Ғафур Ғуломнинг шеър ва стилига доир» (Шарқ юлдузи, 1963, 5- сон, 20-25- бетлар), С.Тўрабековнинг «Ғафур Ғулом поэзиясининг тасвирий воситалари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, 6- сон, 32-38- бетлар), «Ғафур Ғулом поэмаларидаги баъзи тасвирий воситалари ҳақида» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 1- сон, 23-31- бетлар), «Тил ва услуб» (Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. –100 б.), Н. Шукуровнинг «Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1959, 4-сон, 17-23- бетлар), «Ғафур Ғуломнинг фразеологизмлардан фойдаланишдаги маҳорати» (СамДУ асарлари, 106. - Самарқанд, 1961, 62-69- бетлар), «Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати» (Тошкент: Фан, 1966. –136 б.) сингари асарларини намуна тарзида кўрсатиш мумкин.

Бадий адабиёт танқидининг зукко билимдони Н. Шукуров Ғ.Ғулом поэзияси юзасидан махсус тадқиқотлар олиб борди ва уларнинг самараси ўлароқ номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ҳамда «Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати» (Тошкент: Фан, 1966. - 136 б.) номли монография нашр эттирди.

Олим поэтик маҳоратни бадий асар тили устида қандай ишлаш билан боғлиқ деб тушунади. Унинг назарида «тил ҳаётни бадий адабиётда акс

эттиришнинг бирдан бир курили»¹. «Тил инсон фаолиятининг барча соҳалари билан бевосита боғланганлиги учун, манзара ва воқеа-ҳодисаларни, ҳис-ҳаяжонни, товушни бир йўла акс эттириш хусусиятига эга бўлганлиги учун бадий адабиёт санъатнинг бошқа ҳар қандай турига нисбатан кенгроқ имкониятларга эга»². Демак, мана шу маънода адибнинг бадий маҳоратини тўлиқ маънода унинг тилдан фойдаланишдаги маҳорати, деб айтсак хато бўлмайди.

Ғафур Ғуломни улуғ ўзбек сўз санъаткорларидан деймиз. Бу унга қандай қилиб эришди? Албатта, тинимсиз меҳнат ва изланишлар натижасида. Бадий асардаги соддалик ва гўзаллик қаердан пайдо бўлади? Албатта, тилни мукаммал билишдан.

Танқидчи қуйидагиларни ёзади: «Ижодий меҳнат туфайли шоир ўз асарларини етилтирган, мукаммаллаштирган, уларга сайқал бериб борган ва шу процессда ўз талантини вояга етказган, маҳоратини камол топтирган. Ана шу етук талантнинг, юксак маҳоратнинг меваси бўлган шеърларнинг тилидаги образлилик китобхонни мафтун қиладиган даражада гўзал, ёқимли ва дилрабодир»³.

Шундан сўнг у шоир ижодида аниқлик ва конкретлик масалаларига тўхталиб ўтади ва фикрининг далили сифатида қатор ўхшатишли, сифатлашли, метафорали мисраларни таҳлил қилади.

Асарда ифодалар образли бўлиши учун мана шу воситаларнинг бўлиши шартми? Йўқ, албатта. Гап тил воситаларини ўз ўрнида ишлата билишда. Мана шу ўринда ҳар қандай ижодкорнинг синонимларни танлаш маҳоратидан кўз юммаслик кераклиги айтилиб, «Вақт» шеърдан *Йигит термулади қизнинг кўзига/ Киприк сузилиши, майин табассум* мисралари таҳлил қилиб берилади.

¹ Ш у к у р о в Н. Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати. -Тошкент: Фан, 1966, 68-б.

² Ш у к у р о в Н. Шу асар, 68-б.

³ Ш у к у р о в Н. Шу асар, 71-б.

Кузатишлар давомида адиб асарлари тилидаги ташбеҳларга алоҳида эътибор берилади. Муаллиф фикрича, шоир танлаган метафора ва ўхшатишлар тасвирланаётган предмет, воқеа-ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, шоир уларни тасвирланаётган воқеликдан излайди. «Шунинг учун ҳам унинг шеърларидаги ифода-тасвир воситалари ўзининг ҳаётийлиги, оригиналлиги билан китобхонда кучли эмоция уйғотади»¹. Адиб тайёр ташбеҳлардан қочади. Агар уларни ишлатишга мажбур бўлса, огоҳлантиради.

Олим яна таъкидлайдики, «Ғафур Ғулом образларида предметлар дунёсидаги бўёқлар ва кўринишларни зўр диққат билан чизишга интилиши сезилиб туради. Унинг асарларида кишиларнинг маълум моментдаги ҳолати ва ҳаракатини, ташқи қиёфаси ва кўринишини, баҳор, ёз, куз, қиш манзарасини аниқ, реал тасвирлаб берувчи сон-саноксиз образларни топиш мумкин»².

Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, «Нон» ва «Ўзбекистон» шеърларининг тасвирий воситалари таҳлил қилинади.

Танқидчи назарида «Шоир лирикаси ҳаётий лавҳалар асосида вужудга келган ёрқин эпитетлар, тасвирий ва ҳиссий ўхшатишлар, метафоралар, кучли оригинал муболағалар билан тўлиб тошган лирикадир»³. «Шоир поэзиясининг образли тили, биринчидан, шоирнинг тасвир объектига бўлган муносабатини аниқ ва конкрет қилиб ифодалашга; иккинчидан, характерли кўринишларнинг суратини чизишга; учинчидан, воқеа-ҳодисалар, тушунчаларнинг ички моҳиятини чуқур ҳис қилдиришга; тўртинчидан, кенг фикрларни ниҳоятда қисқа ва ихчам қилиб ифодалашга; бешинчидан, ўқувчидан кучли ҳис-ҳаяжон уйғотишга хизмат қилади»⁴.

Ғ.Ғулом асарларининг тилини синчиклаб кузатган танқидчи унинг ижодидаги қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади:

¹ Ш у к у р о в Н. Шу асар, 73-б.

² Ш у к у р о в Н. Шу асар, 73-б.

³ Ш у к у р о в Н. Шу асар, 74-75-б.

⁴ Ш у к у р о в Н. Шу асар, 76-б.

1. Шоир симпатияси ёки антипатияси, ҳазил аралаш киноянинг, ҳатто сарказмнинг ифодаланишига.

2. Реалистик картиналар, манзара, тасвирланаётган объектнинг характерли белгиларига.

3. Моҳиятни ва психологияни тушунишига, шоир шеъриятидаги декламация - ораторлик руҳига.

4. Кенг фикрнинг ихчам ифодасига.

Шундан сўнг танқидчи шоирнинг ўзбек тили лексикасидан фойдаланиш маҳорати тўғрисида мулоҳаза юритади ва фикрларини кўплаб мисоллар ёрдамида асослаб беради. Таъкидлайдики, шоир асарлари анъанавийлик, ўзлаштирганлик ва новаторликни ўзида мужассам қилди. Унинг муаллифи эса поэтик тил яратишнинг ўзига хос йўлидан борди.

1.2. Ўзбек тилшунослигида Ғафур Ғулом асарларининг тадқиқ қилиниши

Айни пайтда шоирнинг бадиий мероси лингвостилистик йўналишда тадқиқ этиш кўп вақтлардан бери тилшунослар диққатини ҳам ўзига тортиб келмоқда. Бу йўналишда дастлабки ишларни академик Ш. Шоабдурахмонов бошлаб берган, дейиш мумкин. 1973 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида унинг шоир асарлари тилига бағишланган «Моҳир сўз санъаткори» номли мақоласи босилиб чиққан. Б. Чориев эса адиб поэзияси тили бўйича махсус тадқиқотлар олиб борган ва кузатишлар натижаси сифатида «Ғафур Ғулом поэзиясининг лирик таркиби» (Янги тадқиқотлар // Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 1971, 67-78- бетлар), «Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1- сон, 85-87- бетлар), «Ғафур Ғулом поэзиясининг халқчиллиги» (ТошДПИ илмий асарлари, 191. - Тошкент, 1977, 101-105- бетлар) мақолалари ҳамда «Ғафур Ғулом лексикасининг баъзи масалалари» номли номзодлик диссертацияси

(Некоторые вопросы лексики поэзии Гафура Гуляма: Автореф.дис. ...канд. филол.наук. - Ташкент, 1972. –30 с.) ва «Ғафур Ғулом шеърятти тили» (Тошкент, 1990. - 112 б.) мавзусидаги монографиялари ёзилди. Айтиш мумкинки, Б. Чориевнинг кузатишлари Ғафур Ғулом тилига доир ўзбек тилшунослигидаги энг йирик тадқиқотлардан ҳисобланади.

Бундан ташқари, шоир асарлари тилига бағишланган Х.Дониёров ва А.Абдусайидовларнинг «Ғафур Ғулом ижодида грамматик воситаларнинг стилистик мақсадда қўлланилиши» (Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари // Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУнашри, 1985, 10-17- бетлар); Ш. Эгамбердиевнинг «Ғафур Ғулом асарлари лингвопоэтикасига доир» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1996, 1- сон, 48-49- бетлар) мақолалари ва И.К. Мирзаевнинг «Ғафур Ғулом поэтик лексиконини ўрганиш бўйича методик тавсиялар» (Самарқанд: СамДУнашри, 1983. - 46 б.) қўлланмалари майдонга келган ва бу асарлар Ғафур Ғулом ижодий меросини лингвостилистик аспектда ўрганишда қимматли манбалар бўлиб ҳисобланади.

Ш.Шоабдурахмонов юқорида тилга олинган «Моҳир сўз санъаткори» мақоласида Ғ.Ғуломнинг сўзга бўлган масъулияти ҳақида мулоҳаза юритиб таъкидлайдики, унинг «поэтик тили «соғда» эмас, у мушоҳадаталаб, ўйлашга мажбур қиладиган, ҳар бир мисраси залварли. У айтмоқчи бўлган фикрлар ялонғочликдан холи. Ғафур Ғулом шеърятда картина ва образлар орқали сўзлайди. Бу образли ифодалар шунчалик бадиийки, уларнинг замирида жуда чуқур мазмун бор».¹ «У ишлатган сўзлар, иборалар, алоҳида олганда оддийгина сўз; аммо асар тўқимасида улкан ижодий меҳнат эвазига вужудга келган пурмаъно сўз ва иборалардан, уларнинг турли жиҳоланишидан яратилган. Улкан сўз санъаткорлари ўз асарларида товлантириб, жиҳолаб, уларга янги- янги маъно бўёқлари бериб, сўзнинг

¹ Шоабдурахмонов Ш. Моҳир сўз санъаткори // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 4-сон, 14-б.

хиссий кучини оширадилар, эстетик завқ берадиган омилга айлантирадилар.. Шу йўл билан асарлари тилини образли қилиб, кишида муайян туйғу, ҳис-ҳаяжон уйғотадилар».¹ «Ғафур Ғулом ...поэзиясидаги поэтик таассурот табиий таассуротга қараганда мураккаброқ, психологик ва логик қайта ишланган бадиий нутқ таассуроти бўлиб, унда ҳар икки ҳолат қўшилган ҳолда кўринади, кайфиятда кўтаринкилик уйғотади»².

Мана шу тарзда мақола муаллифи шоирнинг метафора ва метонимиялардан, сифатлаш ва ўхшатишлардан, муболағалардан, такрордан, риторик сўроқ ва мурожаатлардан фойдаланиш маҳорати тўғрисида мулоҳаза юритади. Шоирнинг ораторлик услубини алоҳида таъкидлайди ва мақола ниҳоясида «Ғафур Ғулом поэзияси давримиз мадҳиясидир»¹, деган хулосага келади.

Ғ.Ғулом асарлари тилининг тадқиқотчиларидан бири Б.Чориев «Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари» номли мақоласида (Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1- сон, 85-87- бетлар) шоирнинг уч томлик танланган асарларига кирган 350 шеър ва 6 поэмани лексик қатламларга ажратиб чиққанлиги ҳақида маълумот беради. Унинг қайд этишича, «Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик составида умумўзбек сўзлари, архаизм, историзм ва диалектизмлар, араб, форс-тожик ва рус сўзлари, совет-интернационал сўзлар ҳамда неологизмлар бор. Ғафур Ғуломнинг бу шеър ва поэмаларида такрорланмасдан ишлатилган сўзлар жами 6441 та бўлиб, сони такрорланган ҳолда 79 мингга етади. Ғафур Ғулом поэзиясида қўлланган нотақрор умумўзбек сўзлари 3104 та бўлиб, бу шоир лексиконига мансуб бўлган барча сўзларнинг 48,2 процентини ташкил этади (такрорланган ҳолда эса 43600 тадир). Ғафур Ғулом поэзиясида форс-тожик тилидан кирган такрорланмаган сўзлар 1200 та бўлиб, 18,7 процентни ташкил этади (такрорланмаган ҳолда 13961 тадир). Ғафур

¹ Шу мақола, 15-б.

² Шу мақола, 16-б.

Ғулом шеърларида кўплаб арабча сўз ва сўз формалари ҳам қўлланган. Улар 1088 та бўлиб, 16,9 процентни ташкил қилади (такрорланган ҳолда 12468 тадир)»². «Ғафур Ғулом поэзияси лексик таркибига кирувчи сўзларнинг бошқа бир кўриниши рус ва совет-интернационал сўзларидир. Бундай сўзлар шоир шеърларида 600 та бўлиб, 9,3 процентни ташкил этади(такрорланган ҳолда 3101 тадир)». «Ғафур Ғулом поэзиясида янги ижод қилинган нотакрор сўзлар 98 тадир. Бу 1,5 процентни ташкил этади»³.

Мана шу тарздаги лингвостатистик кузатишлар ҳар қандай сўз санъаткорининг тилдан фойдаланишдашги маҳоратини ўрганиш ва мукамаллик йўлидаги биринчи қадамлар саналади.

Н.Шукуров «Индивидуал услуб ва бадиий тил» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3- сон, 3-9- бетлар) мақоласида эса Ғ.Ғулом индивидуал услубига доир қимматли фикрларни баён қилган: «Бас, шундай экан, шоир (ёзувчи) услубини фақат бадиий тил элементлари билан чеклаб қўйиш мумкин эмас»⁴.

Олим санъаткор услубини белгиловчи омилларни излаш жараёнида «...ёзувчининг фикри қандай фактлар, қандай масалалар атрофида кўпроқ ҳаракат қилса, унинг асарларида ҳам худди ана шу масалалар ва фикрларни ифодаловчи сўзлар, тил элементлари кўпроқ қўлланилиши табиийдир»⁵, деган хулосага келади. Унингча, «индивидуал услубга эга бўлган талантили шоирларнинг ўз мажозий образлари, сифатлаш ва истиоралари ҳам мавжуд бўладики, буларнинг ҳаммаси бирлашиб, ижодкор услубининг ўзига хослигини ҳосил қилишда катта роль ўйнайди»⁶.

¹ Шу мақола, 18-б.

² **Чориев Б.** Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1- сон, 85-б.

³ **Чориев Б.** Шу мақола, 87-б.

⁴ **Шукуров Н.** Индивидуал услуб ва бадиий тил // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3- сон, 3-б.

⁵ **Шукуров Н.** Шу мақола, 3-б.

⁶ **Шукуров Н.** Шу мақола, 3-4-б.

Шу мулоҳазаларга таянган тадқиқотчи Ғафур Ғулом ва Уйғун, Ҳамид Олимжон ва Асқад Мухтор поэзиясидаги ифода усуллари, поэтик синтаксисини қиёсий ўрганади ва уларнинг ҳар бирига хос бўлган ижодий услубини тил материали асосида далиллаб беради.

С. Тўрабекова юқорида тилга олинган китобига асос бўлган «Ғафур Ғулом поэмаларидаги бадиий тасвир воситаларининг баъзи хусусиятлари ҳақида» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, 6-сон, 32-37-б.лар), ва «Ғафур Ғулом поэмаларидаги баъзи бадиий тасвир воситалари ҳақида» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 6-сон, 23-30-б.лар) номли мақолалар ёзган. Иккинчи мақола биринчисининг давоми саналади. Мақолада тадқиқотчи тасвирий воситалар ҳақида гапириб, шаклни асарда бадиийликни касб этувчи омил, деб ҳисоблайди ва улардан муҳими сифатида Ғ.Ғуломнинг «Кўкан» поэмасидаги ўхшатишларни таҳлил қилади. Маманиёзнинг тол чўкиртаска, Кўканнинг ранги ўзи эккан сабзига, унинг ориқ ҳўкизининг ёғочга, йўқолиб қолишнинг қордаги изга ўхшатилиши каби ҳолатлар ўз муносабатини билдиради. Ўхшатишни юзага келтирувчи грамматик воситаларни санаб ўтади, тузилишига қараб содда ва мураккаблигини кўриб чиқади.

Мустақиллик туфайли бадиий адабиётга ҳам, уни таҳлил қилиш ва ўрганишга ҳам талаблар бутунлай ўзгарди. Адабий асарларнинг бадиий-эстетик завқ бериш имкониятларини ўрганиш биринчи даржали вазифа эканлиги тадқиқотчиларга аён бўлди. Мана шу талабларни бугуннинг талаби деб ҳисоблаб, бадиий асарлар талқинига бўлган нуқтаи назарлар ҳам ўзгариши, бинобарин уларнинг замонамизга, истиқлолимизга, қолаверса мустақиллик мафкурасига қай даражада хизмат қилаётганини таҳлил қилиш асосий вазифамизга айланиши лозим.

Агар масала шу мазмунда қўйиладиган бўлса, совет даври деб аталган XX асрда ижод қилган кўплаб ўзбек шоир ва ёзувчилари бадиий меросига бўлган муносабатдаги нуқтаи назарлар маълум маънода ўзгаради. Жумладан, Ғафур Ғулом ижоди ҳақидаги қарашлар ҳам.

Алломанинг ижодига тил ва услуб нуқтаи назаридан ёндошиш эса жиддий ислохларни талаб қилмайди. Фақатгина бу соҳада олиб борилган ишларни давом эттириш, уларнинг кўламини кенгайтириш лозим бўлади, холос. Чунки шоир асарлари тили ва услубини ўрганиш ҳали талаблар даражасига етган эмас. Аммо масаланинг мураккаблиги шундаки, токи унинг ижодий меросини тўлалигича қамраб олган асарлар тўплами асосида оддий сўзликдан тортиб изоҳлигача бўлган луғатлар тузилмас ва барча тилга оид тадқиқотлар шу манбалар асосида олиб борилмас экан, лингвостилистик тадқиқотларнинг мукамаллигига эришиб бўлмайди.

Бунинг устига Ғафур Ғулом бадиият ва публицистиканинг турли жанрларида қалам тебратган серқирра ижодкор. Бундан адиб мероси тили ўрганилаётганда жанрлар нуқтаи назаридан ёндошиш масаласи ҳам келиб чиқади. Мана шу икки йўналишда баб-баравар олиб борилган тадқиқотлар ҳамда шу пайтга қадар унинг асарлари тили ҳақида айтилган фикрларни бир жойга тўплаб, улардан маълум хулосалар чиқаришгина ижодкорнинг тилдан фойдалинишдаги ўзига хос услуби ҳақида атрофлича мулоҳаза билдиришга имкон яратади.

2 – Боб. Ғафур Ғулом айрим шеърларининг лингвопоэтикаси

2.1. Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган лексик-семантик бирликлар

Ғафур Ғулом услубининг шаклланишида у яшаган давр, бу даврнинг ўзига хос мураккаблиги, ижодий муҳит, мумтоз адабиётимиз намояндалари, хусусан Алишер Навоий, Бедил сингари классикларнинг, шоир ўзига устоз деб ҳисоблаган бошқа адиблар ва, ниҳоят, унинг уз ижодий манераси ҳамда иқтидорининг таъсири бўлган, албатта.

Ғафур Ғулом бадий меросининг тадқиқотчилари 20-йилларни унинг шоир сифатида шаклланиш даври деб ҳисоблашади. Демак, бу даврни унинг учун ўз услубини излаш даври деб баҳолаш ҳам мумкин.

Шоир услубининг шаклланишига рус адабиётининг, хусусан В.В.Маяковскийнинг таъсири катта бўлганлигини унинг ўзи ҳам «Устозимиз» мақоласида таъкидлаб ўтган: «Маяковский сатирасидаги қахрли, омонсиз киноя, лирикасидаги улкан ларзакор кучга эга бўлган эҳтиросидан ташқари, мен унинг поэтик системасига, ритм ва интонацияларининг мардонавор нотиклик қудратига, материалларнинг дадиллиги ва муболағаларининг ёрқинлигига, мисраларнинг бўлинишига, шеърнинг ритмик оҳанги ҳамда мазмун ёрқинлигини оширишга мўлжалланган сатрларнинг алоҳида-алоҳида ажратилишига эътибор бердим. Назаримда, мен Маяковскийнинг бу поэтик принципларини ўзбек шеъриясида маълум даражада ижодий татбиқ этишга эришдим, деб ўйлайман. Мен Маяковскийдан кўламига қараб сўз танлашни, сўзни эмоционал бўёғи, гап нечоғли

қахр, истехзо, меҳр, нафосат акс этишига қараб ишлатишни ўргандимки, китобхон қалбида шу билан ҳаяжон уйғотиш мумкин.

Менинг «Турксиб йўлларида» шеърим шундай шаклда ёзилган шеърга хос бўлган оҳанг ва маъно бойлигини кўрсатибгина қолмасдан, лирик самимият, жонли нутқнинг кўтаринкилиги, унинг завқ-шавқини ҳам намойиш қилиш керак эди...

Маяковскийдан ўқиб-ўрганиш ҳаётга, халққа яна ҳам яқинлашишимга, жонли тилни ўзлаштиришимга ёрдам берди. Маяковский бизга, сўз ҳаёт учун керак, биз бефойда санъатни тан олмаймиз, деб таълим берган эди. Мен унинг даъватига жавобан «Кўкан» деган биринчи достонимни ёзган эдим. Унинг халқимиз орасида ҳамон ўқилиши, ажаб эмаски, Маяковский туфайлидир»¹.

Бу давр услубий изланишларини нималарда кўриш мумкин? Биринчи навбатда бу саволга тилга бўлган муносабатда деб жавоб беришга тўғри келади. Фикрнинг исботи учун унинг шеърларидан айрим намуналар келтирамиз.

Ғ.Ғулом тилдаги барча тасвирий воситалардан, жумладан **омонимлар ва синонимлардан** ҳам ўрни билан фойдаланган. Масалан: *от – жонивор, ном:*

*Атомми? Яхши гап, балки колхознинг
Тегирмон чархига от бўлиб қолур.
Сўнгги жанг талабли олий жаноблар,
Тарихда зоти йўқ от бўлиб қолар (Ўттиз ёш).
Ёки: қизи эмас/ қизимас:
Темур қурган «Оқ сарой»да
«Ишрат хона» қизимас,
Бу ҳиссадан алҳазар,*

¹ Ғ а ф у р Ғ у л о м. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Адабий танқидий мақола-лар. – Тошкент, 1989, 128-б.

*Киприкдаги сурмача ҳам
Соф кўкраги кир эмас
Археолог Муътабар:
- Бир кулолнинг қизиман! - деб
Қилолади ифтихор. (Биринчи шеър)*

Шоир «Дўстим, менга инонма!..» шеърида синонимик қаторни ташкил қилувчи *сўнг, охир, кейин* сўзларининг бирини *хотима, яқун* сўзлари билан синоним сифатида қўллайди ва уларнинг қўлланиш доирасини кенгайтиради:

*Тинглангиз!
Севгимиз достонин сўнглари ўқилур:
Ойдин кечаларда самимий бўсалар,
Узлуксиз арзи ишқ, умидли ваъдалар
Шам каби эрийдир, хаёлдай йўқ бўлур.*

Саҳифа, сатр сўзлари билан синонимик қаторни ташкил қилувчи *бет* бирлигини қўллаб, мисраларнинг табиийлиги ва соддалигини таъмин этади:

*Беш минг йил илгари,
чорак аср олдин,
Тарих бетларида
жавраб келгувчи,
Ўзи соқов
қалъаи Бобил сингари,
Айтиб келганман:
Мен ҳам одамман!*

Ғ.Ғулом «Алишер» шеърида айтмасдан-айтиш – ишора усулидан фойдаланади ва бунда шоирга синонимлар кўмаклашади. Алишер Навоий ҳақида гапирилаётганда турли тиллардаги *бағир, сийна, адр* сўзлари са-

наб ўтилиб, улар орасидан айнан туркийча *кўкрак* сўзини танлаш билан унинг ўзбеклигига ишора қилинади:

Она сутидан ҳам азиз нарса йўқ,

Бағир: форсий - сийна, арабчада- адр.

Кўкрак сути билан боққан ўғилни

Она юрт халқлари қилмоқдадир қадр.

Ғафур Ғулом асарлари матни **фразеологик бирликларга** ҳам бой. Уларнинг қўлланилишида асосан икки йўналишни кузатишимиз мумкин. Уларнинг бир қисми ўзбек тилида мавжуд бўлган анъанавий фразеологизмлар бўлса, иккинчи қисмини адиб томонидан қайта ишланган ва унинг ўзи томонидан ижод этилган фразеологизмлар ташкил этади.

Табиийки, бу ўринда бизни Ғ.Ғуломнинг тешаси теккан иборалар қизиқтиради. *Кўнгил сув ичмоқ (Орадан беш минутча ўтар ўтмас, менга унинг истараси иссиқ кўриниб, унга томон кўнглим анчагина сув ичиб қолди. Йигит), оғзи қулоғига етмоқ – лаб қочиб қулоғига етмоқ (Лаб қочиб етти қулоққа, шоду хуррамлик билан, / Соддадил қассобдан одим, тез омонат молни. Кампиримнинг ҳийласи), дайди боқиш (Қизнинг дайди боқишлари менга тушган эдики, мен ҳам одамларга шипшитмай туриб, чап кўзимни ҳазилкашлик билан қисиб қўйдим. Йигит), диққат солмоқ (Жаъфар ота унга таажжуб билан шубҳа аралаш диққатларини солди. Жаҳонгирлик урушининг сўнгги қурбонларидан бири), сўйлана бошламоқ (Энабуви юлинган парларни бир тарафга тўплаб, уккини бўшатди-да, аламланган, юмдаланган кўкрагини тумшуқлари билан тузатмоқда бўлган уккига қараб, ўзича сўйлана бошлади. Соялар), қўл йиғмоқ (Ҳаммалари ҳам ҳолвайтардан қўл йиққан, домудла-имом билан сўфи бир амаллаб оғзидаги луқмани жўнатиб, янги бир луқма олишга интилар эдилар. Ҳадим) сингари иборалар тилимизда мавжуд, аммо шоир томонидан маълум даражада ишланган бирликлар ҳисобланади. Шу ўринда гапдаги жўна-*

тиш сўзининг *ютмоқ* маъносида қўлланиб, юмор оттенкасини кучайтиргани тўғрисида эслатиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ғ.Ғуломга хос бўлган топқирлик ибораларни ишлатишда ҳам маълум бўлиб туради. *Сабзи тўғрамоқ* ва *елкаси қичимоқ* бирикмалари одатда тўғри маънода қабул қилинади. Аммо шоир уларнинг маъно имкониятларини кенгайтирган: *Раҳматқул ака, тўйни қачон қиламиз? Қачон сабзи тўғраймиз?* – десалар, баъзилари бирорта сотиладиган нарсани дадамга рўкач қилиб... (Қизалоқ), - *Раҳматқул ака, домламининг елкалари ҳам қичиб қолган эмиш*, «қачон тўй бўлади», деб сўрамоқдалар (Қизалоқ). Матний иборалар ҳисобланадиган бу бирликлар ва юлдузни эритмоқ (*Юлдузни эритиб, азиз дўстларим, / Шу туркман қиз-чун шеър тўқидим*. Гилам), *талантини эритмоқ* (*Рассом бир лавҳасини йилларча қалам чекиб, / Талантини эритиб, ёзиб тугатди кўркам*. Инсоният байрами) сингари иборалар ҳам Ғ.Ғулом бадий мушоҳадасининг маҳсули саналади.

Санъаткор қўллаган *шундай бўлмоқ*, *иқи суймоқ*, *чертиб қўймоқ*, *ўртаси тўлмоқ* сингари иборалар эса вазифавий жиҳатдан фарқланади ва улар сўзлашув услубига хос бўлган фразеологизмлар саналади: *Бандаликда, биродар, келин ойимлар ҳам шундай бўлибдилар*, - деб кўнгил кўтарган бўлди (Эшонабод), *Ғанибойвачча ҳам унга кўп ҳам иқи суюб қарамас эди* (Қизалоқ), *Жалил резаворфурушининг алангаси осмонга чиқди. Жанжал босилди. Пул можароси яна ўзга фурсатга қолди*. - Ахир, ноинсоф, ўйламайсанми, мен ҳам бир аравакаш одам бўлсам, ҳар қанча беда бўлса ўзимга керак, ҳе, дов-дастгоҳингга, одам бўлиб орттирган обрўйингга чертиб қўяй, деди Ҳамид оқсоқол (*Аниқ даромад*), - *Ўртанглар тўлсин йигитлар* (Жўрабўза), - *Ўртанглар тўлсин, бобо деҳқонлар* (*Сабаб*).

Ғафур Ғулом синфий позицияси аниқ, она-Ватанга муҳаббати ниҳоятда кучли бўлган шоир. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётига зид

бўлган ҳар қандай камчилик, иллат ва унсурга нисбатан қалбидаги нафратини яширмасдан қоғозга тушира олган ва бунда тилдаги ҳар бир имкониётдан фойдаланишга ҳаракат қилган. Биргина тиниш белгиси – кўштирноққа бўлган муносабатда ҳам буни кўриш мумкин бўлади. Адиб ««Донгли» шоирга» шеърида бу белгидан ирония усулида ғазаб-нафратни ифода этиш учун, сўзларни тескари маънода қўллаш мақсадида фойдаланади:

*Келгинди, бош кесиб қаҳрамон саналган,
Сардор босқинчининг қонли садогин
Ялашдан тўймаган, эй эпчил, «**ширин тил!**»
Бузғунлик ичида тамомлаб ўз ишин,
Гуноҳсиз **мурдалар устида илжайган,**
Маълун кўкракларда бир мисқол қўрғошин,
Мазлумлар номидан жойлашган эрурган,
Бир номард «ботир»-чун йиғлаган эй кўнгил!*

Ширин тил иборасини ишлатиши ва уни кўштирноқ ичида бериши шартмиди? Гап бу иборани бериш ёки бермасликнинг шарт ёки шарт эмаслиги ҳақида кетаётган эмас. Гап унинг муаллифнинг ўз фикрини ифодалашига қай даражада кўмаклаша олишида, шоирни муддаосига яқинлаштиришида. Ғафур Ғулом шеърда тасвирлаётган «донгли» шоир ҳаммага ширин тил билан гапирди. Аммо унинг ҳақиқий башараси кейинги «*Гуноҳсиз мурдалар устида илжайган*» мисрасида очилади, унинг мунофиқ кимса эканлиги маълум бўлиб қолади ва ана шу ҳолатда *ширин тил* иборасининг нега кўштирноққа олингани ҳам аён бўлади. Шунда ўқувчи сарлавҳадаги *донгли* сўзининг ҳам нима мақсадда кўштирноққа олинганлигини тўла ҳис қилади. Шеър баёнидан маълум бўладики, тасвирланаётган кимса доим илжаяди, ширин тилли. Юзаки қараганда бу сўзларда уйғунлик мавжуд. Аслида эса улар бу нутқий ҳолатда антитеза ҳосил қилмоқда. Мурда устида илжайиш уники, аммо ширин тиллилик

сохта. Мазлумлар ўлдирганни у «ботир» деб ҳисоблайди, муаллиф учун эса у малъун, номард.

«Инсоният байрами» шеърида ҳам қўштирноқ зиммасида алоҳида вазифа бор. Тасвирланаётган *арслон* одатдаги ижобий маънода қўлланиладиган метафорик сўз эмас, балки аксинча – салбий маънодаги тушунчани ифода этмоқда. Қўлланилаётган қўштирноқ *тўймас*, *қари* эпитетларининг матнда мустаҳкам жойлашувига кўмаклашмоқда:

Шарқнинг азамат фили залвордор хартуми-ла

Тўймас қарри «арслон» нинг белини букажасқидир.

Шу тарзда асарда шоир қўштирноққа олган сўз ва иборалар ўзида маълум услубий маъно ташийд.

Ўрни келганда яна шу гапни ҳам айтиб кетиш лозимки, фактларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, воқеа-ҳодисаларни таққослаб келтириш, бир-бирига зид маъноли сўзларни ёнма-ён келтириш ва шу тарзда бадий услуб учун зарур бўлган антитеза усулидан фойдаланиш Ғафур Ғуломнинг баён услубига хос хусусият саналади. Масалан: *кўкат – сомон*:

Бу, бу қандай иш?!

Азоб, ўлим, эл-юрт вайрон.

Қаҳатлик, мудҳиш

*Аланга, заҳарли тутунда **кўкатлар сомон!***

(Агар уруш бўлиб қолса...)

«Уйланиш» шеърида: *билмасдан уйланиш – энг ширин неъматга аламни ўртоқлаш; тўсатдан бўлган эш – қулфатга судровчи ёв тўнин кийиш; «тақдир» деган дардисар улфатга йўлиқиш – қаҳратон қиш; ҳаётга менсимай илжайиш – йўлсиз гангратиб қўйиш* тарзида антитеза ҳосил қилинади, яъни моҳият шу усул кўмагида очилади.

Шеърдаги

*Ҳаётга менсимай **илжайиш***

Кишини етаклаб гурбатга,

бир йўлсиз гангратиб қўймасми? парчасида *илжаймоқ* сўзи ниҳоятда ўринли эканлигини таъкидламоқчимиз. Чунки синонимик қатордаги *жилмаймоқ*, *кулимсирамоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ* сингариларнинг биронтаси ҳам шоир муддаосини ифода эта олмаслиги мумкин эди.

У байналмилалликни қалбдан ҳис қила олгани учунгина ижод жараёнида бир матннинг ўзида турли тилларга хос бўлган сўз ва ибораларни бемалол ишлата билди:

Ўрта Осиёнинг Шарқ факультети

Лисонлар, забонлар, тиллар-ла обод;

«Обаки дандон» шеърисида қуйидаги мисраларни ўқиймиз:

Дуюзламаларга чўт эмасдир икки дунё,

Билмай ўнгу сўл, атрофда қолиб бўлмоқ оворо –

Бир неча риёкор «маданий» хумпарлар учундир.

Бу ерда ду сўзининг қўлланилиши матн талаби билан амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки, шу сатрнинг ўзидаёқ ўзбекча *икки* сўзи турибди.

Бир матннинг ўзида бир неча тилга оид сўз ибораларнинг ишлатилиши қуйидаги парчаларда ҳам кузатилади:

Уч соат бурунроқ Тошкентдан салом,

Шоир тонг отарда завқдан асабий.

Великая, непобидимая, живая

Столица советской державы (Москва).

Ҳамиша рўбарў, ёндош, нафасдош,

Говорит Москва - Москва сўйлар!

(Москвамиз)

Яна:

Рус халқининг изидан халослик топди ўзбек,

Ватанимиз бепоён, бутун халқ жондош - ўртоқ.

*«Товариш « деган сўзу - бу энди ўз сўзимиз,
«Кибрит « сўзидан кўра «спичка» миз яқинроқ!*

Ота- боболар ҳам айтадиларки:

«Соли нек аз баҳор маълум мебошад «

Эй устодлар устоди,

Яша, соғ бўл, зиндабод!

(Бири бирига шогирд, бири бирига устод)

Ёруғ юзимизга дўстлар, ёронлар

Дегайлар: « Хўб шудаёт «, « Это хорошо».

(Тезу тоза тер)

Гувоҳ бўлсин қурултойнинг жигаси бўлиб

Бизни сийлаб, йўқлаб келган азиз меҳмонлар;

Товаришчи, қадрдон, жўлдас, рафиқони мо,

Пахтакорлик устодлари - дўстлар, жононлар! (Нутқ)

Шоир асарлари матнида учрайдиган *арзи муқаддас, ҳуқуқи башарий, маркази олам, арзи ишқ* сингари *форсча-тожикча* шаклдаги *изофали* қурилмаларнинг фаол ишлатилиши ҳам унинг бу тиллар ва уларнинг вакили бўлган халққа муносабатини кўрсатувчи намуналардир.

Ғ.Ғулом асарлари матнида халқ оғзаки ижоди руҳи ҳамиша сезилиб туришини таъкидлаш адолатдан бўлади, деб ўйлаймиз. Улуғ Ватан уруши йилларида асарларига танланган мавзулар, деталлар турлича бўлишига қарамасдан, уларда ҳам ана шу руҳни сезиш мумкин. Масалан, «Мард йигитлар қаноти» шеърида гап отлик армия - будённийчилар ва улар таркибида урушда қатнашаётган ўзбек йигитлари ҳамда уларнинг отлари ҳақида боради.

Шоир дастлаб қиш манзарасини тасвирлайди. Об-ҳаво шунчалик совуқки, ҳатто отларнинг кишнаши ҳам ҳавода муаллақ қотиб қоладиган даражада. Уруш жараёнининг образли тасвири қуйидагича берилади:

*Қийқириқдан кўк гумбаз-да қулоқ беркитган,
Ярқираган қиличлардан чок эрди фазо.
Тулпорлар ҳам ёвни тишлаб кўкка иргитган,
Ёвга ажал соқий эди, бодаси- қазо.*

Шоир отларни алоҳида бир аҳамият билан тавсиф қилади: *арғумоқ, тулпор, қамиш қулоқ, ўмрови кенг, қўйруғи қалам, тикилганда кўзларидан ўт, чақмоқ отилади, сакраганда юз фарсах бир қадам, сайхасидан еру кўкка титроқ тушади, киприклари қора, ўсик, сурма кўзлари чағир, аммо машъал каби порлайди, ёли худди қоп-қора тутунга ўхшайди, манглайдаги оқ қашиқаси муштарий юлдузга ўхшайди.* Дарё кечаётганда туёғига нам ҳам илашмайди, ўзи эса олам денгизидаги уч-тўрт кунлик ойдай, туёқлари ерни эмас, душман бошини босади, тепкиси ёв юзига ланъат тамғасини босади, ўйиб кирган ёв кўкрагида олтин тақа ва олмос михнинг ўткир қиррасининг изи мавжуд. Мана шундай отлар орасида ўзбек йигитларининг отлари ҳам бор. Уларнинг қадамлари тошга ханжардек санчилади, ўзлари эса филдай, тулпорзода, шунқорзода, ўтдан қайтмас. Мана шу ўринда шоир ўзбек отларига ҳеч ким ишлатмаган таърифларни қўллайди. Аслида инсонларга нисбатан ишлатиладиган -зода қўшимчасини жониворларга нисбатан қўллаб ғоятда гўзал ифодани шакллантиради:

*Бу майдонда иш кўрсатган филдай арғумоқ,
Зар қуёшли гўзал юртнинг тулпорзодаси;
Уни боққан ўзбек элда серҳосил тупроқ,
От боласи жанг кунининг шунқорзодаси.*

Майдонда қаттиқ жанг кетмоқда:

*Ер оташин, кўк оташин, жаҳон оташин,
Отилган ўқ, оташ пора каби чопар от.*

Шеърда поэтик аниқловчилар ва ўхшатишлардан баракали фойланган муаллиф бу арғумоқнинг эгаси бўлган андижонлик йигитни тоғдек, ажойиб, одамнинг жони, азамат, лобар қаҳрамон, деб тасвир этади:

*Тилла даста, олмос дамли қилич ушлади,
Устидаги Алпомишдан эди кўркамроқ*

Вақт ҳақида мушоҳада юритиш билан ундан катта фалсафий хулосалар чиқара олган шоир яна бир ўринда тилдан фойдаланишдаги алоҳида маҳоратини намойиш эта олган. Гарчи шеърнинг номини «Вақт» деб атаган бўлса-да, асарнинг бирон ўрнида бу сўзга мурожаат қилмайди, балки ана шу маъноларни турли оттенкаларда бера олувчи *фурсат, бир нафас, бир лаҳза, ҳар лаҳза, бирон, бир зум, ҳар нафас, секунд, минут, пайт, аср, он, замон, дам* сингари сўзлардан фойдаланади. *Ғунча очилиши, капалак умри, минг юлдуз сўниши, ялт этган умр* сингари жумлаларни ҳам *вақт* маъносида қўллайди:

*Ғунча очилгунча ўтган фурсатни
Капалак умрига қиёс этгулик,
Баъзида бирнафас олгулик муддат -
Минг юлдуз сўниши учун етгулик.*

Вақтни билдирувчи сўзларга эпитет қўллаган ҳолда мисралар битиши унинг қадрини ниҳоятда ошириб юборади ва китобхон қалбини ўзига яқинлаштиради:

*Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Яшаи дарбозаси остонасидан
Зарҳал китоб каби очилур олам*

мисраларидаги *яшаи дарбозаси остонаси* ёки *оламнинг зарҳал китобга ўхшаб очилишидан* ўқувчи ўз ҳиссий қобилятига қараб таъсирланиши мумкин, холос.

2.2. Ғафур Ғулом шеърларининг лингвопоэтик қимматини оширишга хизмат қилган услубий воситалар

Антитеза, яъни мумтоз адабиётдаги тазод санъатининг
энг яхши намунасини унинг «Сен етим эмассан» шеърида кўрамиз:

гурбат, офат, гам - ҳарорат, муҳаббат, шафқат:

Чўчима, жигарим,

Ўз уйингдасан,

Бу ерда

на гурбат,

на офат,

на гам.

Бунда бор:

ҳарорат,

муҳаббат,

шафқат

Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.

Халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётда кенг тарқалган тасвирий
усуллардан бири **муболағага** ҳам Ғ.Ғулом фаол мурожаат қилган. Маса-
лан:

Пахтанинг устасимиз, уни биламиз, ҳатто

Чигит тупроқ ичида ниш урганда сасидан.

(Ўзбек элининг ғурури)

Аммо шоир услубига хос хусусият шундан иборатки, у мубо-
лағанинг алоҳида бир турига – литотани қўллашни маъқул кўрган. Муал-
лиф тасвирида кишиларимиз меҳнат қилиб тўкаётган ҳар бир тер юлдуз-
дан ҳам катта. Аммо у фикрини тескари ифода тиш, яъни юлдузни тердан
кичик дейиш билан таъсир самарасини яна ҳам кучайтириб юборади:

Ватанимиз бахти учун тўкилган тернинг

Ҳар дуридан Аторуд юлдузи кичик. (Меҳнат ва ҳурмат).

Бутун бошли бир шаҳарнинг кичик бир косага қиёсланишида ҳам
Ғ.Ғулом услубига хос бўлган маҳорат сезилиб туради:

Бухоро бир олтин коса

қон-ёш билан лиммо-лим,

қонхўр

амир Олим. (Яловбардорликка)

Яна бир мисол:

Помир чўққилари биз юксаларкан,

Этик пошнасидай кичик поядир.

Саҳро қуюнлари биз қўзғаларкан,

Елпуғичдай эринчоқ бўш шаббодадир (Кўк бўсағасида).

«Нефть» шеъридаги

Ер қуррасин анор каби

Сиқа олдик биз.

парчасида ҳам ўхшатиш, ҳам муболаға бор. Гарчи тасвирдаги юмушни
амалга оширишнинг имкони бўлмаса-да, у ерни итоат эттириш, ўз измига
бўйсундириш маъносини поэтик тарзда тасаввур қилишимизга ундайди.

«Ўттиз ёш» шеъридаги ёшларга қарата айтилган

Сизсиз ечилмайди, айтсак чинини,

Ҳаётда қумурсқа белича тугун.

«Пахта- тинчлик хазинаси» шеъридаги

Ерлар, қуёшлардан туғма коинот,

Бу халқнинг зеҳнига бўйин эгади.

Бу халқ истаса бас, миниб нурдан от

Арктика чўлига зигир экади.

мисралари ҳам поэтик мушоҳаданинг самараси ҳисобланади.

«Қутлуғ йил тонгида» шеърида Ғ.Ғулом такрорнинг мумтоз усулларининг биридан фойдаланади. Бир тўртликни қандай мисра билан таъмом қилса, навбатдагисини ана шу мисра билан бошлайди:

*Ҳамиша одамзоднинг зеҳнига маишғал бўлиб,
Нажот сари йўлланган илғор гоямиз ҳақи,
Инсоний етукликнинг авжига ҳайкал бўлиб
Чиқишида босиб ўтган поя-поямиз ҳақи,
Соқий менга сун қадаҳ.
Соқий менга сун қадаҳ, йигирманчи асрнинг
Ичган сари кишини ҳушёр этар шаробин,
Яна ҳам аниқ кўрай яшаб турганим ернинг
Алвон ранг тонготарлар келтирган офтобин-
Мукаммал мазмун билан.*

Шу тарзда асарда саранжом яқун билан, кунни эрта кулажасак, океанга тўкилажасак, етаклайди теъасин сингари жумлалар тўртлик бошида такрорланиб шеърга маълум маънода салобат ва байрамга хос бўлган кўтаринкилик бахш этади.

Яна бир мисол:

*Кустарь Нурмат коллективлик каби зўр ишга аралашмайди.
Аралашмайди хотини ҳам Саври она ҳеч бир кишига.*

«Сўзан, бигиздан машинага» шеъри бошдан охиригача такрорнинг мана шу усулида, яъни мисра охирида келган сўз навбатдаги мисра бошида такрорланиши усулида ёзилган. Мумтоз шеъриятда қайтариқнинг бу тури тури **тасбиғ** ёки **ташобиху-л-атроф** деб аталади. Академик А.Рустамов такрорнинг бу турининг поэтик матн учун аҳамияти муҳим эканлигини қуйидагича таъкидлайди: «Бу санъатда олдинги гап, мисра ёхуд байт охирига жойлашган сўз, сўз бирикмаси кейинги гап, мисра ёхуд

байтда қайтарилиб, фикрий изчиллик таъминланади, бунда гап, мисра ва байтлар занжир ҳосил қилади»¹

Ғ.Ғуломда на сўзининг такрори шеърий ритмни таъминлайди:

*Бу санъатда ҳур ўлкамнинг юраги яшар,
Бу санъатда на мунг-қайғу, на гард, на губор.*
(Санъатим)

*На қулу на хўжа, на миннат, на зулм,
Муҳтарам санамак пешона терни. (Ассалом)*

Бу сўз такрорининг яхши намуналарини «Сен етим эмассан» шеърида ҳам кузатамиз.

Ғ.Ғулом поэзияси матнида мана бундай тартибдаги сўз такрори ҳам учрайди:

*Бу биз – тоғларни қул этган, бу биз – осмонни забт қилган,
Бу биз – чўлларга гул эккан, бу биз – денгиздан банд тортган.
Бу – бизнинг ўлкамиздир, қаҳрамон миллион ўғил туққан,
Кураш – одат, енгув – оддий ҳунардай кўксида оққан.
Эсар ел, йиртилур қутб чеҳрасин босган қаро парда,
Бўронлар қирқилур тинмай, қанотлар худди бир шамиш.
Агар куйлар эсам, ширин жимирлаш бошланур танда,
Бу биз – ботир, бу биз – голиб, бу биз – ҳар ишда оламгир.*
(Совет қаҳрамонларига)

Ушбу парча такрорланаётган мен катта умумлаштириш вазифасини бажаради:

*Мен граждани, мен эркин эр, мен ўртоқ.
Овозимни эшитсин бутун дунё.
Мен одамман: хоҳ ёш бўлай, ё кекса,
Хоҳ машинист, хоҳ командир, хоҳ чўпон.
Елкаларга елка тираб қўлма-қўл,*

¹ Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент, 1979, 50-б.

*Қадамимиз ерни боссин – оёқдош,
Ғазабимиз нобуд қилгай ёвларни,
Биз маслакдош, биз ватандош, биз йўлдош!*

(Сайлов қасидаси)

Мисралардаги **сўзларнинг оҳангдошлигини, кетма-кетлик** ва уйғунлигини таъминлаш масаласи ҳам шоир эътиборидан четда қолган эмас. У «Фарзандларга» асарида *расо* ва *асо* сўзларининг, «Байрамингиз муборак» шеърида *аро* ва *оро* сўзларининг оҳангдошлигига эътибор беради ва сўз ўйини қилади:

*Аввалги шеъримда айтиб ўтганман:
Расо қоматингиз - бизларга асо.
Айниқса ушбу кунлар бунчалар ҳам гўзалсан
Оламлар аро менинг олам оро Ватаним!*

Хуллас, улуғ сўз санъаткорининг қайси асарига мурожаат қилмайлик, унда Ғ.Ғуломнинг тилдан фойдаланишдаги маҳорат белгиси саналадиган сўз ва ибораларга дуч келамизки, улар алломанинг бадий ижоддаги бетакрор услубини белгилайди.

ХУЛОСА

Ўзининг бор куч ва иқтидорини халққа хизмат қилиш, унинг юрагидаги гапларни топиб айтиш, қийин бўлган пайтларда оғирини енгил қилишга, яхши кунларида бирга бўлишга интилиш Ғафур Ғуломни эл ардоғида бўлган санъаткорга айлантирди. Шоир қайси мавзуда шеър ёзмасин, ҳамиша унинг ҳаётий позицияси аниқ билиниб турди. Она-Ватанга ва ўз халқига бўлган муҳаббат ҳамда душманга нисбатан нафратнинг кучлилиги ана шу аниқликнинг белгилари саналади.

Ғ.Ғуломнинг поэтик услуби асарлари тилининг тасвирий воситаларга ғоятда бойлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Улар санъаткорга вазиятга қараб фикрни кескин ва қатъият, ирония ва юмшоқлик, жасорат ва жанговарлик билан ифодалай ва яқунлай олишига кўмаклашди.

Ҳақиқий сўз санъаткори Ғ.Ғулом табиат манзарасини чизишда ўзини ғоятда нафис лирик шоир сифатида намоён қила олди. У табиат ҳамда унда яшаётган мавжудотнинг сирларини ва номларини шу қадар яхши билиши, уларнинг ҳаракатларини тасвирлашда инсон руҳияти билан уйғунлаш-тиришга интилиши ўзбек адабиётида бетакрор ва ўлмас образларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Шоирнинг табиатан мужмалликни ёқтирмаслиги, воқеа-ҳодисаларни, қалб кечинмалари ва ҳис-туйғуларини берилиб, бор овоз билан таърифлашга ҳаракат қилиши, ўзи тасвир этаётган объектга самимий ва ростгўй, шу билан бирга холисона муносабат билдириши унинг ҳақиқатгўй санъаткор эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ғафур Ғулом тилдан фойдаланишдаги бетакрор услуби билан ўзбек бадий тафаккури тараққиётига беқиёс хизмат қилди – мавжуд анъаналарни давом эттирди, кейинги авлодга намуна бўларлик даражада мерос қолдирди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 173 б.
2. **Абдурахмонов Ғ., Мамажонов Н.** Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1985.
3. **Абдурахмонов Х., Махмудов Н.** Сўз эстетикаси. –Тошкент: «Фан», 1981.
4. **Абдурахмонов Ш.А.** Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар, –Тошкент, 1997.
5. **Абдуллаев А.** Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Тошкент: «Фан», 1983, 88 б.
6. **Йўлдошев М.** Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2007. -122 б.
7. **Йўлдошев М., Ядгаров Қ.** Бадиий матннинг лисоний таҳлили. –Тошкент, ТДПУ, 2007.
8. **Йўлдошев М.** Бадиий матн лингвопоэтикаси.-Тошкент: Фан, 2008.- 160 б.
9. **Ё қ у б о в Х.** Ўзбек прозасида услуб ранг-баранглиги // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент, 1983.
10. **Каримов С.** Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.
11. Каримов С.....
11. **Мамажонов С.** Ғафур Ғуломнинг шеър ва стилига доир // Шарқ юлдузи, 1963, 5- сон.
12. **Муҳиддинов М., Суюнов К.** Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати.-Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2003. 126 б.

13. **Н о с и р о в Ў.** Ижодкор шахс, бадиий услуб, автор образи. – Тошкент, 1981.
14. **Т ў р а б е к о в а С.** Ғафур Ғулом поэзиясининг тасвирий воситалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960, 6- сон.
15. **Т ў р а б е к о в а С.** Ғафур Ғулом поэмаларидаги баъзи тасвирий воситалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 1- сон.
16. **Т ў р а б е к о в а С.** Тил ва услуб. - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963.
17. **У м у р о в Х.** Адабиёт назарияси. – Тошкент, 2002.
18. **Ч о р и е в Б.** Ғафур Ғулом поэзиясининг лексик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1- сон.
19. **Ч о р и е в Б.** Ғафур Ғулом шеърини тили.- Тошкент, 1990.
20. **Ш о а б д у р а х м о н о в Ш.** Моҳир сўз санъаткори // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 4-сон.
21. **Ш у к у р о в Н.** Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1959, 4- сон.
22. **Ш у к у р о в Н.** Ғафур Ғуломнинг фразеологизмлардан фойдаланишдаги маҳорати // СамДУ асарлари, 106. - Самарқанд, 1961.
23. **Ш у к у р о в Н.** Ғафур Ғуломнинг лирик поэзиядаги маҳорати. -Тошкент: Фан, 1966.
24. **Ғ а ф у р Ғ у л о м.** Асарлар, 10 томлик, 2-том. - Тошкент, 1972.
25. **Ғ а ф у р Ғ у л о м.** Мукамал асарлар тўплами. XI, XII томлар.– Тошкент, 1989.
26. **Wellek Rene.** Edebiyat teorisi. -Izmir, Akademi kitabevi, 1993.
27. <http://www.ege.edebiyat.org>. R.Filizok. Metin tipleri.
28. <http://www.edunet.tn>. Anne-Marie Albisson. Бадиий матн анализи.

2.12.2003 йилда босишга рухсат этилди.

№ 820 буюртма 8,0 босма табақ,

Ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха

СамДУ Наир-матбаа маркази босмахонасида чоп этилди.

703004, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.

